

**2022-2026** йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида

2022 йилда хорижий туристлар сонини 2,7 млн нафарга, маҳаллий сайёҳларни 8,2 млн нафарга етказиш белгиланган

**НЕГА БАННИЛАР**

«Ишга марқамат» мономаркази сертификатини инobatга олмаётдилар?



3с

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТ!

**milliy**  
tiklanish

«Миллий таълимнинг демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий таълим»



1995 йил 10 июндан чика бошлаган

www.mt.uz / milliytiklanish2022@umail.uz

№ 4 (1153) 2022 йил  
2 февраль, chorshanba



ISSN 2010-1114

# ДАРДЛАР, ДАРДМАНДЛАР

УЧУН ИМКОНИЯТ

...Яқинда бир аёл 3 нафар фарзанди билан икки йилдан бери акасиникида яшаётганини, маҳаллага чиқиб, болаларига нафақа пули сўраса, бу манзилда доимий рўйхатда турмаслигини айтиб сарсон қилаётганларини гапириб берди.



6с

**ХАЛҚИМИЗНИНГ** азалдан оилани муқаддас билиб, фарзанд тарбиясига муҳим вазифа сифатида қараш, шубҳасиз, азалий қадриятларимиздандир. Аммо минг афсуски, бугун ана шу қадрият дарз кетиб, у гўё жар ёқасига бориб қолгандек. Буни кўпроқ ёш йигит-қизларимизнинг оилага енгил-елпи

қараётганларида кўряпмиз. Тан олайлик, айни пайтда кўпгина ёшлар оила куришга мажбурият, ажрашишга эса мавжуд муаммонинг ечими сифатида қарай бошладилар. Бугун жуда катта кўрсаткичларда акс этаётган оилавий ажримларнинг ошиб бораётгани, ёш ота-оналарнинг эса тўлиқсиз оилада ўсаётган болалар

тақдирига ҳаддан ташқари енгил муносабатда бўлаётганларини кўриш ниҳоятда оғриқлидир. Ҳатто, ораимизда ўз фарзанди учун алимент тўлашдан бўйин товлаётган оталар учраётгани, жамиятда ана шундай ҳолатларга гувоҳ бўлаётган бутун бир авлод шаклланаётгани миллатимиз, жамиятимиз учун иснод, албатта.

2  
**ОЛИЙ ТАЪЛИМ  
МУАССАСАЛАРИ  
КОМПЛЕКС  
ЎРГАНИЛАДИ**



5  
**РЕГИСТОН  
САЙЁҲЛАРНИНГ  
СЕВИМЛИ МАСКАНИ**

Самарқанднинг бетакрор тарихий обидаларидан бири – Регистон майдони вилоят миқёсида 2021 йил давомида энг кўп сайёҳларни қабул қилган қадамжо бўлди.



5  
**СУДГА ҚАДАР  
ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ  
АЛМАШИНУВ ТИЗИМИ  
ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ**



7  
**ҚУТУРҒАН  
МУСТАМЛАКАЧИЛАР**

**ОДАМЛАР БИЗДАН  
РЕАЛ НАТИЖАЛАРНИ  
КУТИШЯПТИ**

2с

## НАЖОТ ТАЪЛИМДА

эканини барчамиз бирдек ҳис этишимиз керак

Президентимиз «Нажот таълимда, нажот тарбияда, нажот билимда», дея бежиз такорламадилар.

6с

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ  
СТРАТЕГИЯСИ - ИНСОН  
ҚАДРИНИ УЛУҒЛАГАН  
ХАЛҚЧИЛ БОШ ДАСТУР**

4с

ДЕПУТАТ «ҚИЛ  
КЎПРИК» ДАН ЎТДИ,  
ЭНДИ НАТИЖА ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

3с

5с

**Қайта  
уйғоняпмизми?**

**ҚА, УЙҒОНЯПМИЗ!**



# ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг янгирама учинчи япни мажлиси очилиши тўғрисида  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг янгирама учинчи япни мажлиси 2022 йил 3 февраль куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ўзини бошлади.  
Япни мажлиси видеоконференцаалока шаклида 3-4 февраль кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

**milliy**  
Ўзбекистон  
ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТАСІ

3

**Чоршанба**  
2 февраль, 2022 йил  
№4 (1153)



**Назир СОБИРОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси аъзоси

**Қаерда, инсон шаъни, қадр-қиммати улугланиб, унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилса, ўша жамиятда тараққиёт бўлади.**

Президентимиз Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масаласига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида айнан ана шу масалага тўхталиб, инсон қадри қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушунча эмаслигини, инсон қадри деганда, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинчлиги, муносиб яшаши, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизимини яратиб бериш тушунилишини таъкидладилар.

Назаримда ушбу мақсадга эришиш учун маҳалла институти имкониятларидан самарали фойдаланиш, унинг ваколатларини янада кенгайтириш, айниқса, маҳаллани жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўғинига айлантириш лозим бўлади.  
Кейинги йилларда бу инсти-

тутга миллий давлатчилигимизнинг асосий қуғи бўғини сифатида қаралмоқда.

Янги Тараққиёт стратегиясида ҳам маҳалла институти самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш кўзда тутилган.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари» ҳамда «Маҳалла – сектор – Халқ қабулхонаси – маҳалла» тамойили асосида минглаб оилаларнинг муаммо ва камчиликлари ўрганилиб, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилмоқда. Энг муҳими, буларнинг барчаси аввало маҳаллада муҳокама қилиниб, шу ернинг ўзида ечим топапти.

Қайд этилишича, маҳалла фаоллари томонидан қисқа вақт ичида 700 мингга яқин фуқаронинг бандлиги таъминланган. 60 мингдан зиёд юрдошимиз тadbиркорлик ва хунармандчиликка жалб этилиб, имконияти чекланган 754 мингдан зиёд оилаларнинг томорқаларидан самарали фойдаланишга амалий ёрдам кўрсатилган.

Маҳалла фаолияти билан боғлиқ яна бир одилсона қарор бу – ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилган. Жорий йилдан бошлаб юртимизнинг барча худудларида иш бошлаган 9311 нафар ҳоким ёрдамчилари ёшларни иш билан

таъминлаш, касба ўқитишда кўмаклашиш, камбағалликни қисқартиришдек масъулиятли вазифаларни бажаришга киришдилар. Бунинг молиявий масалалари ҳал қилиниб, бу буйича Тараққиёт стратегиясида энг устувор вазифалар белгиланди.

**ДАВЛАТ ДАСТУРИДА  
КЕЛГУСИ БЕШ ЙИЛДА АҲОЛИ  
ЖОН БОШИГА ЯИМИ –  
1,6 БАРОБАР, ЯъНИ 1750  
ДОЛЛАРДАН 2800 ДОЛЛАРГА  
ЕТКАЗИШ КЎЗДА ТУТИЛГАН.**

**ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ  
2022-2026**

## НЕГА БАНКЛАР

**«Ишга марҳамат» мономаркази  
сертификатини инобатга олмаяптилар?**



2021 йилнинг ўзида «Тadbиркорлик асослари» ўқув курсида 122 нафар фуқарога тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун сертификатлар берилган.



Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасаруфидаги Тошкент шаҳар «Ишга марҳамат» мономаркази директори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Нодира Умарованинг таъкидлашича, «Микрокредитбанк» ва «Агробанк» мутасаддилари тadbиркорлик курсларини битирганларга имтиёзли кредитлар беришдан бош тортмоқда.

– Хабарингиз бор, «Ишга марҳамат» мономаркази кўплаб фуқаролар айниқса, ишсиз ёшларни касб-хунарга ўқитиб, малакаларини оширяпти, – дейди Нодира Умарова. – Лекин бир ой давомида 144 соат ўқиб, ўз тadbиркорлигини бошлаш ниятидаги фуқароларга етарлича эътибор қаратилмаётгани мономарказга бўлган ишончга таъсир этяпти. Масалан, банклар томонидан марказимиздан берилган сертификатларнинг тан олинмаётганини тушуниш қийин. Шунингдек, ўқув курсларини тамомлаганлар доимий ишга жойлашиш масаласида ҳам бир қатор муаммоларга дуч келишмоқда. Жумладан, 2021 йилнинг ўзида «Тadbиркорлик асослари» ўқув курсида 122 нафар фуқарога тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун дастлабки билмлар берилиб, уларга сертификатлар берилган бўлса-да, уларнинг аксариятига банк вакиллари томонидан мономарказ сертификати имтиёзга эга эмаслиги айтилган. «Микрокредитбанк» ва «Агробанк» томонидан эса сертификатлар умуман рад этилган. Бундан ташқари, уларга банкларнинг тadbиркорлик курсларида ўқиб, сертификат «олиш» тавсия этилган. Ваҳоланки, «Ишга марҳамат» мономарказлари ташкил этилаётганида уларда ўз малакасини оширган фуқароларга имтиёзлар берилиши таъкидланганини бир эсга олайлик. Нега бугунга келиб банклар томонидан имтиёзли сертификатлар инобатга олинмаяпти?  
Хусусан, Янгиҳаёт туманида истиқомат қилувчи М.С.Уришева,

Н.Ш.Матчанова, У.Б.Батилова, Н.Б.Шохобидиновлар ҳам «Тadbиркорлик асослари» махсус курсини тамомлаб, сертификат олган бўлсалар-да ушбу ҳужжат ҳеч қаерда тан олинмаётганини таъкидламоқдалар?

Ваҳоланки, мономарказлар фаолияти Президентимизнинг 2020 йил 11 августдаги «Камбағал ва ишсиз фуқароларни тadbиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йилнинг 5 апрелидаги «Камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш ҳамда меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги қарорлари асосида йўлга қўйилган.

«Ишга марҳамат» мономарказлари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказлари томонидан битирувчиларга бериладиган ҳужжатлар ҳамда Skills паспорти эса ўрта-махсус, касб-хунар таълими дипломи даражасига тенглаштирилган.

Аммо аслида тadbиркорликнинг амалда ривожланишидан манфаатдор бўлган банк тизими ҳозирча мономарказ битирувчилари учун ўз эшиklarини очмаяпти...

Партия Марказий кенгаши бўлим бошлиғи Феруза ЖАЛИЛОВА таъйрлади.

**Депутат «қил кўприк»дан ўтди,  
энди натижа қандай бўлади?**



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зафар Абдиримовнинг сайловчилар билан бу галги очик мулоқоти карантин талаблари кучайгани сабаб, маҳалла раислари билан бўлди. Янгибозор туманидаги 32-сонли мактабга Тозадўрман, Халқобод, Қоратепа ва Янгибод маҳаллалари оқсоқоллари йиғилди.

– Одатда маҳалла раислари муаммолар ҳақида кўпам гапирмайди, – деди депутат. – Келинлар, бугун очик гаплайлик. Маҳалладагиларни қийнаётган, мутасаддилар эътибор қаратмаётган муаммолар ҳақида гапиринлар. Мақсадимиз халққа хизмат қилиш, одамларимиз эртага эмас, бугун ҳам яхши яшасин. Шу гаплардан кейин раислар жонланди. Тозадўрман маҳалласи раиси Шавкат Жуманиёзов қишда лой, ёзда чанг аримайдиган Яккасарой кўчаси ҳақида гапирди.

– Маҳаллаимиз 2019 йилда давлат дастури доирасида обод қилинган эди, лекин нимагадир шу кўчамиз таъмирланмай қолиб кетди. Яна кўприк дейишга арзимайдиган «қил кўприк»имиз бор. Одамлар ундан ўтиб, туман, вилоят марказига қатнаса, ўқувчилар қўшни кишлоқдаги мактабга боради. Булар бўйича бир неча бор муҳожаат қилганмиз, – деди оқсоқол. Янгибод маҳалласи раиси

Жуманазар Нарметов эса янада далзарб бўлган муаммони кўтарди. «Яхшиси, ўзингиз маҳаллаимизга боринг, «тез ёрдам»нинг аҳолини кўрасиз», деди оқсоқол. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати туздан сўнг маҳалла оқсоқоллари шикоят қилган муаммоларни жойига чиқиб ўрганди.

Маҳалла раиси айтганича бор экан. Яккасарой кўчаси шунчалик юриб бўлмайдиган ҳолатга келганки, тозадўрманликларнинг жонига тўзим берсин. «Қил кўприк»дан ўтиш ҳам муаммо. Оқсоқолнинг айтишича, йиқилиб тушганлар ҳам кўп экан. Янгибод маҳалласида 63-сонли оилавий поликлиникага қарашли тез ёрдам пунктининг ўзи ёрдамга муҳтож экан. Ажабланирлики, ўзи тез ёрдаму «Тез ёрдам» машинаси йўқ. Бино таъмирталаб, иссиқлик тизими ишламайди. Қўлбола печалардан фойдаланилади. Депутат барча муаммоларни қоғозга туширди ва уларни тезроқ ҳал қилиш учун қуйи эмас, «юқори» идораларни безовта қилишга ваъда берди. Маҳалла оқсоқоллари умид билан муаммоларни яширмай айтди, кўрсатди. Энди ҳамма гап депутатда қолди. Маҳалла ахли эса ҳамон умид билан яшамоқда.

Шаҳноза ТАНГРИБЕРГАНОВА, партия Хоразм вилояти Кенгаши раиси ўринбосари

**ОБУНА – 2022!**

**«МИЛЛІЙ ТИКЛАНИШ»  
ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!**

Обуна  
индекси **158**





Нафақат мавжуд дарслик ҳамда қўлланмалар, балки газета ва журналлар орқали болаларга, болалар орқали эса уларнинг оиласидаги катталарга зиё тарқатиш ХАЛҚ ТАЪЛИМИ деган номга муносибдир. Буюк мутафаккир Маҳмудхўжа Бехбудий айтганидек, «Муаллим ва муҳаррир – миллатнинг икки кўзидир».

## Қайта уйғонялпмизми?

# ҚА, УЙҒОНЯЛПМИЗ!

«Муаллим ва муҳаррир – миллатнинг икки кўзидир», деган гап яна эсга олина бошланди. Энг муҳими, бу иборанинг Халқ таълими вазир Бахтиёр Саидовнинг ота-оналар ва ўқитувчиларга мурожаати масаласидаги мурожаатида тилга олинганидан ҳар қанча қувонсак арзийди. Гарчи, мурожаат ниҳоятда эҳтиёткорлик билан тайёрланган бўлса-да, аммо мақсад очиқ баён қилинган. Тўғри, аҳолини, айниқса, болаларни китобга қайтариш осон бўлмайпти, китобхонликкача бўлган жараёнга кенг йўл очиб бериши мумкин бўлган газета-журналларнинг оммавийлигини таъминлаш эса янада оғирроқ кечади. Чунки жамиятда маънавият, маърифат сўзларини, газета-журналлар обунаси иборасини «халқ душмани» сўзига тенглаштириш борасидаги баҳсларда ғолиб чиққан валломатлар қайсидир маънода ўз ниятларига эришдилар. Оқибатда она тилимиз, ўқувчининг саводи ва дунёқараши учун қайғуриб келган анъанавий матбуот таънаю дашномлар ичида қолди. Янгилаётган Халқ таълими вазирлиги етакчисининг ушбу мурожаатини эса йўл қўйилган хатоларни тuzатишга бел боғланибди, маъносида қабул қилсак, ўринли бўларди. Фикрлар, муносабатлар тузуқ-юлуқ бўлиб қолмаслиги учун мурожаатни тўлиқ эълон қилишга қарор қилдик. Мана ўқиб кўринг, фикр-мулоҳазаларингиз бўлса, эълон қилишга тайёрмиз.

«Азиз ота-оналар, кадрли устозлар! Сизу бизнинг мақсадимиз Учинчи Ренессанс маънавий пойдеворини барпо этиш экан, унинг асосида ўқиб-ўрганишдан, ўз устида мунтазам ишлашдан чарчамайдиган авлодни тарбиялаш ётади. Ҳар қандай янгилик негизига ўқиб-ўрганиш орқали етилади ва янги ғояларга замин ҳозирланади. Бунинг учун фарзандларимизда мурожаат маданиятини шакллантириш зарурати авналашади. Тўғри, бутун дунё электронлашиб бормоқда. Урганишларимиз шуни кўрсатдики, бола компьютер ёки телефон орқали асосан сурат ва фильмларни томоша қилади. Булар табиий ва унинг қизиқишини биз ҳам инкор этмаймиз. Лекин болаларга дастлаб дарсликдан ташқари китобларни ҳам ўқишга тавсия қилишимиз зарур. Мутахассисларнинг маслаҳат беришларича, фарзандларга китобдан аввал газета ва журналлар мурожаатини ўргатиш зарур. Албатта, газета ва журнал, китобга меҳр ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Газета-журнал мурожаати бу нафақат янги билимлар, балки юртимиздаги ўзгаришлар, дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини англашга, энг асосийси, ёшларни таҳлилга ўргатади. Бунинг учун олдимизда турган вазибаларни белгилаб олишни лозим топдик. Аввало, муаллимнинг ўзи барчага ибрат бўлиб ўзи учун энг зарурий наشرларни ўқиб, янги дарс методикаларини ўрганиб, таҳлилий мақолалардан тегишли хулосалар чиқариб, ўз устида мунтазам ишлашни йўлга қўйиши зарур. Ўқитувчилар билим ва малакасини оширишида педагогик наشرларнинг ўрни алоҳидадир. Ҳозирда шаклланган бу кўникмани муаллим ўқувчиларининг ота-оналарига «юқтириш»га ҳаракат қилиши ва ўз фарзандлари ёшига муносиб газета-журнал сотиб олиб беришларини тарғиб этиши, алаоқибат, оилалар даврасида мурожаат соатлари

ташкил қилинишини йўлга қўйиши келгусида газетхон, китобхон инсонлар кўпайишини таъминлайди. Мактабда педагог, уйда ота-она болани мурожаатга чорласа, кўзлаган мақсадга осон эришиш мумкин. Унутмаслик керакки, болани мурожаатга билан тарбияловчи устоз ёки ота-оналарнинг ўзи ҳам, албатта, юксак тафаккур эгаси бўлиши зарур. Болани мурожаатга ўргатиш унинг дунёқараши кундан-кун кенгайиб боришини таъминлайди. Бу йўналишда уларга турли илмий ва бадиий адабиётлар билан биргалликда болалар наشرлари кўмакка келади. Мурожаат қилган ўсмир тарихни, бугунни ва келажакни яхши идрок этадиган буюк шахс бўлиб камол топади. Миллатимиз келажак, Ватанимиз эртаси – кенг тафаккурли ёшлар қўлида. Бугун мустақил фикр-мулоҳаза юритадиган, билимдон, зукко, баркамол авлод – эртага Ўзбекистонимиз тараққиётига ҳисса қўшувчи, уни дунёга танитувчи комил инсон бўлиб етишади. Бунинг учун, албатта, ўғил-қизларнинг билим олишига, дунёқарашини кенгайтиришига уларнинг кичик ёшидан оқ эътибор қаратиш лозим. Халқ таълими вазирлиги муассислигидаги «Маърифат», «Учитель Узбекистана», «Тонг юлдузи», «Класс» газеталари, «Халқ таълими», «Халқ таълими ахборотномаси», «Бошланғич таълим», «Тил ва адабиёт таълими», «Ғунча», «Гулхан» журналларига ўзи устаб обуна бўлаётган ўқитувчи ва ўқувчилар сони ҳам камайиб кетди. Бугунги кун ўқитувчи ва ўқувчилари ўз хоҳиши билан газета сотиб олиши, маънавий оламини бойитиши, дунёқарашини кенгайтириши ўта муҳим масаладир. Зеро, нафақат мавжуд дарслик ҳамда қўлланмалар, балки газета ва журналлар орқали болаларга, болалар орқали эса уларнинг оиласидаги катталарга зиё тарқатиш ХАЛҚ ТАЪЛИМИ деган номга муносибдир. Буюк мутафаккир Маҳмудхўжа Бехбудий айтганидек, «Муаллим ва муҳаррир – миллатнинг икки кўзидир».

### Судга қадар электрон ҳужжат алмашинув тизими йўлга қўйилади

Вазирлар Маҳкамасининг «Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизimini жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, тергов фаолиятини рақамлаштириш ва ишни судга қадар юритиш жараёнида ягона электрон ҳужжат алмашинув хизмати йўлга қўйилади.

Бу – дастлабки тергов органлари томонидан жиноятлар ҳақида хабарларни кўриб чиқиш ва жиноят ишларини юритишда маълумотлар алмашинув самарали бўлишига хизмат қилади.

Маъмур қарор, жиноятни тезкор ва тўлиқ қош этиш учун муҳим бўлган маълумотларни ўз вақтида олиш, иш бўйича ишотланиши талаб қилинадиган ҳолатлар қисқа муддатда ва ҳар томонлама текшириб чиқишига имкон яратади.

«Электрон суриштирув ва дастлабки тергов» ягона ахборот тизими ишни судга қадар юритиш босқичида жиноятларга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш ва жиноят иши бўйича суриштирув, дастлабки терговни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлайди.

Суриштирув ва терговчиларнинг қарор, топшириқ, кўрсатмалари ҳамда бошқа хабарномалари тегишли давлат органлари ёки ташкилотларга электрон ҳужжат кўринишда юборилади ва худди шу тарзда қабул қилиб олинади.

Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида гумон қилинувчи, айбланувчининг мол-мулкини хатлаш, шунингдек, кидирув эълон қилинган айбланувчиларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган чеклов чораларини ахборот – коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўз вақтида амалга оширилади.

ЎЗА



Туризм

## Регистон сайёҳларнинг севимли маскани

Самарқанднинг бетакрор тарихий обидаларидан бири – Регистон майдони вилоят миқёсида 2021 йил давомида энг кўп сайёҳларни қабул қилган қадамжо бўлди.

Маълумотларга кўра, ўтган йилда мазкур мажмуага 750 минг нафарга яқин сайёҳ ташриф буюрган. Пандемия бўлишига қарамай йил давомида 73 мингга яқин хорижликлар Регистон майдонини кўриш истагида Шарқ гавҳари – қадим Шарқта ташриф буюришган. Айни пайтда мажмуа мутасаддилари жорий йилда ушбу кўрсаткичларни ошириш борасидаги чора-тадбирлар билан банд. – Туризмни ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш борасида юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди «Регистон» ансамблини таъмирлаш ва ундан фойдаланиш дирекцияси директори Хонкул Самаров. – Биз ҳам ушбу чора-тадбирларга ҳамоҳанг тарзда Регистонга

кўпроқ сайёҳларни жалб қилиш борасида ўз имкониятларимиз доирасида тегишли ишлар устида ишлаймиз. Жумладан, бугунги кунда мавсум олди тарғибот материалларни кенг тарғиб этиш ишларини бошладик. Яқин кунларда Регистон майдони тарихи, мавжуд ҳолати, бу ердаги шароитлар, мавсум давомида сайёҳлар учун ташкил этиладиган дастурлар ҳақидаги видеоролиқ тайёрлаб, ўзбек, рус инглиз тилларида интернет тармоғидаги саҳифаларимизга жойлаштирамиз. Шунингдек, мавсум давомида сайёҳларга, айниқса, хорижлик сайёҳларга миллий урф-одатларимиз, миллий куй-қўшиқларимиздан тузилган концерт дастурларини

тухфа этиш бўйича вилоят маданият бошқармаси билан ҳамкорликда дастурлар тайёрланмоқда. Бундан ташқари, вилоятдаги мавжуд театрларнинг репертуарларини бевосита мажмуада намойишини ташкил этишни режалаштираямиз. Умуман олганда, жорий мавсумни янада самарали ўтказиш, сайёҳларни мамнун қайтишини таъминлаш борасида изланишдамиз. Юртимизнинг ташриф қоғози айланган кўҳна ва боқий Самарқанднинг бетакрорлигини таъминловчи асосий обида ҳисобланган Регистон майдони бундан кейин ҳам оҳанрабодек хорижликларни ўзига жалб этишда давом этади, албатта.

Алишер ИСРОИЛОВ, ЎЗА



# ДЕПУТАТ минбари



40 нафаргача бола ўқиётган синфларда 45 минутлик дарсни тўлиқ ўзлаштириш мумкин эмас, албатта. Масалан, инглиз, рус тили, технология, жисмоний тарбия фанларини гуруҳларга бўлиб ўқитиш жуда зарур.

# АЖРИМ МУАММОСИНИ



Шоқсанам КУЛИЕВА,  
халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутати

## БОШДАН КЕЧИРГАНЛАР «Алимент фонди»нинг ташкил этилишини ягона ечим, деб ҳисобламоқдалар


Алқимизнинг азалдан оилани муқаддас билиб, фарзанд тарбиясига муҳим вазифа сифатида қараши, шубҳасиз, азалий қадриятларимиздандир. Аммо минг афсуски, бугун ана шу қадрият дарз кетиб, у гўё жар ёқасига бориб қолгандек. Буни кўпроқ ёш йигит-қизларимизнинг оилага енгил-елпи қараётганларида кўрапмиз. Тан олайлик, айни пайтда кўпгина ёшлар оила қуришига мажбурийат, ажрашишга эса мавжуд муаммонинг ечими сифатида қарай бошладилар.

Айни пайтда, жуда катта кўрсаткичларда акс этаётган оилавий ажримларнинг ошиб бораётгани, ёш ота-оналарнинг эса тўлиқсиз оилада ўсаётган болалар тақдирига ҳаддан ташқари енгил муносабатда бўлаётганларини кўриш ниҳоятда оғриқлидир. Ҳатто, ораимизда ўз фарзанди учун алимент тўлашдан бўйин товлаётган оталар учраётгани, жамиятда ана шундай ҳолатларга гувоҳ бўлаётган бутун бир авлод шаклланаётгани миллимиз, жамиятимиз учун иснод, албатта.

Ҳўш, мактабни битирар-битирмас пул топиш учун ўзини ўтга-чўққа ураётган, оиланинг оғирини енгил қилиш мақсадида ўз орзуларидан ҳам воз кечаётган ёшлар эртага қандай ота-она бўладилар?  
Албатта, бундай муаммоларнинг минг битта сабаблари бор. Мутахассисларнинг фикрича, аксарият ҳолларда

ажрашишга жазм қилган эрхотиннинг мол-мулк ёки фарзандларни бўлиб олиш туфайли келиб чиқадиган низолар, ажримга ариза бериш учун тўланадиган давлат божини тўлашга маблағи йўқлиги ажримлар жараёнининг ҳатто беш йилга чўзилишига олиб келаётган экан. Баъзан эса қонуний ажрашмасдан туриб, бошқа оилага «асос» солинаётгани ҳам ажрим жоғари атрофидаги жанжалларни кучайтирапти. Ҳўш, ажримга-ча бўлган вақтда ёш боласи (ёки болалари) билан ишсиз қолган она (кўп ҳолларда болалар она билан қолади) давлат томонидан бериладиган нафақа эвазига қандай кун кўради?..  
Қайд этиш жоизки, кўпича ажримга қадар борар жойи йўқ аёллар қўлидаги боласи билан маҳалла идорасига моддий ёрдам, уй-жой сўраб чиқади, бундай хотин-қизларнинг ажримдан

ташқари ҳам минг битта муаммоси борлиги ҳеч кимга сир эмас. Яқинда бир аёл 3 нафар фарзанди билан икки йилдан бери акасиникида яшаётганини, маҳаллага чиқиб, болаларига нафақа пули сўраса, бу манзилда доимий рўйхатда турмаслигини, доимий рўйхатда турган собиқ турмуш ўртоғининг маҳалласига борса, икки йилдан буён бу ерда яшамаслигини билдириб, сарсон қилаётганларини гапириб берди.  
– Ҳўжайиним аллақачон уйланиб, фарзандли бўлган, алимент пулини ҳам тўламайди. Ажримга берай десам, пулим йўқ. Ишлай десам, болаларим ҳали ёш. Акамнинг топганига шерик бўлиб, унга юк бўлишдан эса уялланман. Хорижга чиқиб ишлаш ҳақида ҳам ўйладим. Аммо болаларимни кўзим қиймади, – дейди Н.К исмли аёл.



Ҳўжайиним аллақачон уйланиб, фарзандли бўлган, алимент пулини ҳам тўламайди. Ажримга берай десам, пулим йўқ. Ишлай десам, болаларим ҳали ёш. Акамнинг топганига шерик бўлиб, унга юк бўлишдан эса уялланман.

олиш шarti билан давлат бюджетидан моддий ёрдам пули ажратиш вақти келди, менимча. Шунинг билан оилавий қишлоқчилик бўлган она ва болаларда жамиятга, давлатга нисбатан алам ва нафрат туйғуси пайдо бўлиши табиий ҳол. Баски Президентимиз томонидан «Инсон қадри учун» тамойили илгари сурилаётган экан, ушбу эзгу ғоя ижроси учун, энг аввало, қонунларимиз ҳаёт талабларига мослаштирилиши керак.

### Таълим

# НАЖОТ ТАЪЛИМДА эканини барчамиз бирдек ҳис этишимиз керак

Айни пайтда таълим ва тарбия масаласида одамларнинг онги ва тафаккурини ўзгартириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди, десак муболага бўлмайди.  
28 январь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Беш йиллик янги Тараққиёт стратегиясининг тўртинчи устувор йўналиши «Инсон қадри учун – 100 та мақсад»нинг 5 та мақсади ҳамда ундаги 18 та вазифа ҳам бевосита мактаб таълими билан боғлиқлигига тўхталиб, республикамизда 10 минг 130 та мактабни ислоҳ қилиш 6 миллиондан зиёд ўқувчи, 500 мингдан ортиқ муаллим, умуман, жамиятимизнинг барча қатламлари, ҳар бир оиланинг келажаги билан чамбарчас боғлиқ эканига алоҳида ургу бердилар.

Шунингдек, видеоселектор йиғилишида замон талабларига жавоб берадиган мактабларга малакали педагог-кадрлар, бошқарувчилик ва лидерлик қобилиятига эга директорлар кераклигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.  
Ва, бу борада ҳар бир ҳокимнинг жойлардаги мактабларга кириб бориши, ўқув даргоҳида қандай муаммо мавжудлигини аниқлаб, уларни ҳал этиш зарурлиги қатъий айтиб ўтилди.  
Кўп йиллик педагог сифатида шунинг таъкидлашим жоизки, айни пайтда энг асосий муаммолардан бири бу мактабларда ўқувчилар сифатининг ортиқлигидир.  
Маълумки, 40 нафаргача бола ўқиётган синфларда 45 минутлик дарсни тўлиқ ўзлаштириш мумкин эмас, албатта. Масалан, инглиз, рус тили, технология, жисмоний тарбия фанларини гуруҳларга бўлиб ўқитиш жуда зарур. Бунда болалар сони 25 нафар бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Агар хориж тажрибасига назар солидиган бўлсак, Японияда бир синфда 6 ёки 10 нафар бола ўқишини кўраимиз. Шу билан бирга, синфдаги ҳар бир болада компьютер борлиги учун уларнинг компьютер саводхонлиги ҳам юқори коэффициентни ташкил этиши кузатилади. Йиғилишда Давлатимиз раҳбари таълимни ислоҳ қилишда жаҳон тажрибасини ўрганиш ва муҳим жиҳатларини татбиқ этиш лозимлигини ҳам таъкидладилар.  
Шунинг қайд этишимиз жоизки, қарийб 30 йилда биз таълимга етарли даражада эътибор қарата олмадик, ўқитувчиларимиз керак бўлса «яғана», «пахта»га чиқди, кўча супурди, ўқитувчи зиммасида нафақат таълим-тарбия, балки ҳашарларда иштирок этиш мажбурийати юклатилди. Бугунга келиб эса биз ўқитувчини барча юмушлардан озод қилишга эришдик. Ниҳоят, юртимизда таълимни қайта ислоҳ қилиш асносида Миллий дастур асосида янги дарсликлар яратиш ҳам кўзда тутилмоқда. Ҳамкасбларимиз яхши биладиларки, Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси томонидан мактабларнинг мавжуд параметрлари бўйича ўқитувчилар

салоҳияти, чет тилини билиш даражаси, олий таълимга қамрови, моддий-техник таъминоти ҳисобга олиниб, мактаблар рейтингини аниқланади. Агар жорий йилдан бошлаб, тизим ходимлари таълимни ривожлантиришга доир халқаро тадқиқотларда қатнашсалар, кучли билим ва салоҳиятга эга педагогларимизнинг халқаро танловларда иштирок этишлари учун шароитлар яратилиб, хорижлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликка йўл очилса, уйлаймизки, мактаблар рейтингини бугунгидан анча юқори бўларди.  
Президентимиз «Нажот таълимда, нажот тарбияда, нажот билимда», дея бежиз такрорламадилар.  
Бу давлатдан бутун жамият хулоса чиқариши керак. Бугунги мактаб директорини нафақат мактаб директорини, балки мактаб менежерига айланиб, мактабни моддий-техника базасини, бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармасини ҳам бойитиб бориши керак. Мактабда мавжуд унумли ерлардан омилкорлик билан фойдаланиш, ўқитувчиларни қўшимча рағбатлантиришга, кам таъминланган ўқувчиларни қўллаб-қувватлашга шароит яратиши директорнинг лидерлик қобилиятини кўрсатади. Бундан ташқари, қайсики мактаб раҳбари ўқувчилар учун дарс жараёни билан чекланиб қолмасдан яна қўшимча ўқув курслари, тўғрақ машғулотларини амалий жараёнлар билан боғлаш борасида янгиликлар яратса, тажрибали ўқитувчилар ва ёш педагоглар ўртасидаги «Устоз-шогирдлик» аъёнларини йўлга қўйса, ўша мактабдаги муҳит ва ўқувчиларнинг таълим-тарбияси ва ўзлаштириши юқори бўлади. Энг муҳими, ўқувчилар ўртасида турли ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кузатилмайди. Бу ҳам ўз навбатида Давлатимиз раҳбари айтганидек, мактаб директорининг салоҳияти, тадбиркорлик, омилкорлик хислатларига боғлиқдир.

Муборак ТЕЛЕВОВА,  
Зангиота туманидаги 19-умумтаълим мактаби директори

### Кутинг!

«MARVEL WORKS SERVIS»  
В О  
«DONiyorBEK SERVIS»  
ўртасидаги низодан

**КИМ ЮТЯПТИЮ, ЮТҚАЗЯПТИ?**  
**АЁҚШНИ**  
**20**  
**МИЛЛАРДГА**  
сотиб олишга ундаётган  
томон ортида кимларнинг  
**МАНФААТИ БОР?**

Келгуси сонларда

**ОБУНА – 2022**  
**«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!**  
Обуна индекси:  
**158**





Алишер НАВОИЙ

# Мубтало бўлдим санга

Мерос

## БОРИБ КЎРИШ ШАРТ БЎЛГАН 5 ШАҲАРДАН



Туркиянинг оммабоп tv100.com веб-сайтида таниқли турк тарихчиси, профессор Илбер Ўртайлининг сарлавҳаси «Кўрмасдан, кетманг» маъносини англатадиган мақоласи эълон қилинди.

Муаллиф ўқувчиларга инсон умри давомида бориб кўриши шарт, деб ҳисоблаган дунёдаги бешта шаҳар ҳақида маълумот берган. Эътиборлиси, турк тарихчиси бу рўйхатга Ўзбекистоннинг икки шаҳри – Самарқанд ва Бухорони киритган. Мақолада жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган қадимий шаҳар – Самарқанд 2001 йилда ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилгани таъкидланган. «Шаҳарнинг мухташам иншоотлари, музейлари, масжид ва мадрасалари ҳар қандай диди но-

зик сайёҳни ҳам ҳайратга солади, – дейди мутахассис. – Минг йиллар давомида форслар, араблар ва туркий қавмлар ҳукмронлик қилган Самарқанд бир неча ўзига хос маданиятлар чорраҳасини ўзида мужассам этган».

Профессор Илбер Ўртайли Бухоро шаҳрини ҳам алоҳида эътироф этган: «Ўзбекистоннинг энг муҳим маданий марказларидан бири бўлган Бухоронинг ҳар гушасидан тарих уфуриб туради. Макка ва Қуддусдан кейин энг муҳим ислом маркази саналган ушбу қадимий кент мезморий иншоотлари, карвонсаройлари, масжид ва мадрасалари билан зиёратчиларни қутмоқда».

Саҳифада Флоренция, Рим ва Қуддус шаҳарлари ҳам саёҳат учун тавсия этилган.

ЎЗА

Суратлар сўзлаганда

Наврўз айёми. 1971 йил.



Ғузур туманининг «Гулшан» маҳалласида сумалак пиширилмоқда.

Келинг, бир қулишойлик!

Афанди шошилиб банкка келиб, дебди:  
– Кредит олмақчиман!  
Банк ходими:  
– Нима мақсадда кредит оласиз?  
Афанди:  
– Латифаларимга клип олмақчиман!

7	9		6			7	9		8	2		6	
	3	7			5		5					4	
	4	9	8		3	2	1	7	9				
1	2	4					4	6			2		
9			7	8	4		9			7	4		
	5	3	8		2	9	3		8		7	1	5
	6		5	2	9	7	5	6				2	
			6			4	2		4	5	3	8	
5			2	4	3				9	3	1	5	

Иброт

## Телеграм асосчиси Павел Дуров пул ҳақида

«Менинг ҳаётимда қасрлар, спорт автомобили ва шахсий самолётлар жамланмасини қидираётганлар жуда қаттиқ янглишадилар.

Менда на автомобиль, на шахсий самолёт ва на уйим бор. Менинг дунёим – бу мейда, метрода юриш, 18-20 квадрат метрдан иборат ижара уйдан иборат. Менинг ўрнимда бўлишни хоҳлайдиганлар бутунлай алкоғолдан, гушт ва қиммат кийимлардан воз кечишига тўғри келади.

Ҳали камбағал талаба бўлиб, олийгоҳ ётоқхонасида турганимдан бери такрорлайман, пул бу жуда катта баҳо берилган материал, дунё элементи, холос. Ҳаммаси ички ҳолатга боғлиқ ва у ҳар нарсадан устун. Миллиардлаб пуллари бор коррупционерларга қаранг, уларда ички хотиржамлик йўқ, толган пулларини йўқотиб қўймаслик учун барча нарсадан ҳатто ҳаётидан воз кечади.

Пулни асосий элемент, деб ҳисоблашни бошлаган захоти сиз ички хотиржамлик ва ҳаётни қиморга тикасиз ва қиморда ютқазиб қўймаслик учун яна ва яна ҳаёт деган хазинадан қарз олаверасиз. Бир кун

ҳаёт сизга қарз беришдан чарчайди ва сиз ҳаммасини ютқазасиз. Қимор столи атрофига бошқалар келади.

Капиталистик жаннат, деб номланган дунё сизга қанчалик кўп нарсанг бўлса, шунчалик бахтли бўласан, деган ғояни сотади.

Қадимдан шундай гап бор: «Қул ҳеч қачон озод бўлишни хоҳламайди, у ўз шахсий қуллари бўлишни хоҳлайди».

Инсон «қул ва хўжайин» парадигмасида қолар экан, ҳеч қачон бахтли бўла олмайдди. Бу системада «ҳар қандай одам кимнингдир кули, ҳар қандай кул эса кимнингдир хўжайини» ҳисобланади.

Пулнинг кули булар экансиз, ҳеч қачон ўз ҳаётингизнинг хўжайини бўла олмайсиз. Қимор столида эса навбат кутиб турганлар кун сайин ортиб бормоқда».

Ҳозирда Павел Дуровнинг бойлиги 3,4 млрд. доллар. Унинг бирорта ҳам ўз уйи йўқ. Автомобили ҳам йўқ. Самолёти ҳам йўқ. Асосий транспорт воситаси метро. Асосий машғулот китоб ўқиш. Гушт умуман емайди. Асосан арзон ва қулай кийим дўконларидан кийинади.



«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»  
ДЕМОКРАТИК  
ПАРТИЯСИНИНГ  
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ  
ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,

Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ, Амридин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал ЖУМАБОВ, Баҳодир МАМАТХОНОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Иброҳим ҒОҒУРОВ, Ирода ДАДАЖОНОВА, Минҳожиддин МИРЗО, Олим ЎСАРОВ, Нодир МУХТОРОВ, Одижон ТОЖИБЕВ, Отабек ЖИЯНБОВЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАМЕДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:  
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИРИЯТ  
МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,  
Учтепа тумани,  
Мақсуд Шайхзода  
кўчаси, 1 А-уй.  
Газета таҳририят  
компьютер  
марказида терилди  
ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри  
таҳририят нуктаи  
назаридан фарқ  
қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий  
этиборимизда бўлиб, улар  
муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррирлар:

Дониёр ТОШБОВЕВ,  
Равшан МАҲМУДОВ  
Навбатчи:  
Вилоятхон ШОДИЕВА  
Дизайн гуруҳи:  
Маммуристон ҚУДРАТОВ,  
Лазиз МЕЙЛИКОВ,  
Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида  
чоп этилди.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.  
Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.

Адади – 10 017.  
Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.  
Қоғоз бичими: 350x587. Ҳажми: 4 босма табоқ  
Буюртма – 216  
Босишга топшириш вақти 21.00.  
Топширилди 2:20

Электрон почта:

mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

ISSN 2010-7714